

# SCIENCE PROBLEMS.UZ

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

## № 6 (3) - 2023

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

---

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ  
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

---

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES  
AND SOCIAL SCIENCES



### ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ 6 (3)-2023*

### **АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### *12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

#### *13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

#### *19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Васида Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психология кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### *22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### *23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

## **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

### **Crossref DOI:**

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

### **Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.  
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

### **Таҳририят манзили:**

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: [scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)  
Телеграм канал: [https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Аминов Хамидулла Абдирахимович -</i> БОБУР ДАВРИДАГИ САМАРҚАНД ШАЙХУЛИСЛОМИ .....	9-14
<i>Неъматов Рустам Абдуваид ўғли</i> ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА ХОРАЗМДА КЕЧГАН ЭТНОМАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР .....	15-23
<i>Raxmanov Zafar Adilovich, Aloxunov Alisher Ahmadjonovich</i> FARG'ONA VODIYSI ARXEOLOGIK YODGORLIK LARI JOYLASHUV QONUNIYATLARI: TAHLIL VA MULOHAZALAR .....	23-32
<i>Мансуров Музаффаржон</i> СОВЕТ ИТТИФОҚИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА МАДАНИЙ ТУРИЗМНИНГ ТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ .....	32-42
<i>Mirsoatova Sayyora Turg'unovna, Muhsiddinov Ahrorbek Mamurovich</i> FARG'ONA MEZOLIT VA NEOLIT DAVRI JAMOALARINI O'ZARO MADANIY ALOQALARI XUSUSIDA .....	43-48

### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

<i>Kurpayanidi Konstantin Ivanovich</i> COVID-19 PANDEMIYASI OQIBATLARINI BARTARAF ETISH SHAROITIDA RAQAMLI TEKNOLOGIYALARNI JORIY ETISH MASALALARI .....	49-55
<i>Mexmonaliyev Ulug'bek Erkinjon o'g'li</i> КОМПАНИЯЛАР САМАРАЛИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИДА ИЧКИ НАЗОРАТНИНГ О'РНИ .....	56-65
<i>Абдуллаева Зульфия Иззатовна</i> ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА ПОВЕДЕНИЕ КЛИЕНТОВ ГОСТИНИЦ .....	66-74
<i>Алимова Муниса Юлчиевна</i> ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ТАСНИФИ .....	75-80
<i>Абдиева Наргиза Шухратовна</i> ИЧКИ АУДИТДА ФИРИБГАРЛИК РИСКНИ АНИҚЛАШ ВА БАҲОЛАШ .....	81-91
<i>Тўхтасинова Дилдора Раҳмонбердиевна, Ахунова Маърифат Хакимовна</i> ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ҲАЁТ .....	92-97
<i>Tojimatov Izzatbek Ikromali o'g'li</i> BOZOR ISLOHOTLARI SHAROITIDA MOLIYAVIY HISOBOTLARNI SHAKLLANTIRISH MASALALARI .....	98-103
<i>Савинова Галина Анатольевна</i> ОТЛИЧИТЕЛЬНЫЕ ЧЕРТЫ МСФО И НСБУ И ИХ ВЛИЯНИЕ НА СОСТАВЛЕНИЕ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ .....	104-108
<i>Qodirov Sardorbek Isroiljon o'g'li</i> QURILISH SANOATI KORXONALARI FAOLIYATINI RAQAMLI TEKNOLOGIYALAR ASOSIDA RIVOJLANTIRISH MASALALARI .....	109-114

*Урдушев Хамракул, Мавлянов Мажид, Эшанкулов Сирожиддин, Розиева Гулхаё*  
 АГРОКЛАСТЕРЛАР ВА УЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА РАҚАМЛИ  
 ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ ..... 115-125

*Худаярова Хуршида Абдуназаровна*  
 ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИОН БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МУАММОЛАРИ  
 ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ ..... 126-132

### **09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

*Бойдадаев Абдуррохмон Толибжон ўғли*  
 РЕНЕССАНС ДАВРИДА ПАНТЕИСТИК ҚАРАШЛАРНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ..... 133-141

*Аликулов Хусниддин Акбарович*  
 ҲОЗИРГИ ДАВРДА ГЛОБАЛ ЭКОЛОГИК ХАВФ-ХАТАР ВА НАНОТЕХНОЛОГИЯЛАР .142-151

*Саидова Камола Усканбаевна*  
 РЕНЕССАНС ДАВРИ САНЪАТИ – ЖАҲОН МАДАНИЯТИ АЖРАЛМАС ҚИСМИ  
 СИФАТИДА ..... 152-156

*Shirinov Anvar Qanoatovich*  
 MARKAZIY OSIYODA INSON TARAQQIYOTI SOHASIDAGI STRATEGIYALARNING IJTIMOIIY-  
 FALSAFIY TAHLILI ..... 157-162

*Хасанов Бобуржон Хакимович*  
 ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА ОММАВИЙ НОРОЗИЛИК ҲАРАКАТЛАРИНИ ОЛДИНИ  
 ОЛИШНИНГ ҲОЖИВИЙ-МАҲКУРАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ..... 163-167

*Xodjayeva Fotima Nabixonovna*  
 AHMAD G'AZZOLIYNING "SAVONIH" ASARI HAQIDA QISQACHA TASNIF .....168-172

### **10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

*Rustamova Shaxnoza Abduraximovna*  
 MATN, TARJIMA TURLARI VA TARJIMADA TARJIMON MAHORATINING O'RNI ..... 173-180

*Abdulloyeva Kamola Mirxon qizi*  
 MUALLIF DISKURSIV SHAXSI TUSHUNCHASI, STRUKTURASI VA RIVOJLANISH  
 TENDENSIYALARI ..... 181-191

*Turg'unova Fazilat Rustam qizi*  
 PRAGMALINGVISTIKA NUQTAI NAZARIDAN SARLAVHA FUNKTSIYALARI ..... 192-197

*Saidov O'lmas Raxmatovich*  
 O'ZBEK TILI ISH YURITISH TERMINLARINING ETIMOLOGIK TAVSIFI ..... 198-206

*Xuramova Dildora Rahkmonkulovna, Axmedova Firuza Asrorovna*  
 O'ZBEKISTONDA TARJIMONLARNING TARJIMA USLUBINI BERILISHI XUSUSIDA ..... 207-213

*Ataboyev Isroiljon Mirza o'g'li*  
 MADANIYATLARARO SIYOSIY MAKONDA TAJOVUZKOR SALOHİYATGA EGA NUTQ  
 TA'SIRINING USULLARI ..... 214-219

*Murodova Nilufar Karomatovna*  
BLOGGERLIK FAOLIYATIDA MAHORAT MASALALARI ..... 220-224

*Ochilova Hilola Husan qizi*  
XITOIY TILIDA NOMINALIZATSIYA HODISASI XUSUSIDA AYRIM MULOHAZALAR ..... 225-229

*Kuvonov Zarifjon Maxsiddin o'g'li*  
NEMIS TILIGA CHET TILIDAN O'ZLASHAGAN SO'ZLARNING STRUKTURAL-SEMANTIK  
TADQIQI ..... 230-238

*Yakubova Nilufar Egamberganovna*  
"MULLO NASRIDDIN" – TURKIY MATBUOT TARIXIDA MUHIM HODISA ..... 239-245

### **12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР**

*Абдуллаева Маликабону Эркин қизи*  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИДА МАЪМУРИЙ БОШҚАРУВ ВА МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ БИЛАН  
БОҒЛИҚ КОРРУПЦИЯВИЙ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ ..... 246-256

### **13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**

*Jumayev Rustam G'aniyevich*  
IJTIMOIY-GUMANITAR VA MUTAXASSISLIK FANLARNI INNOVATSION PEDAGOGIK  
TEKNOLOGIYALAR ASOSIDA O'QITISH ORQALI TALABALARDA FUQAROLIK POZITSIYASINI  
TAKOMILLASHTIRISH ..... 257-263

*Бозорова Муслима*  
ЭТНОПЕДАГОГИКА ТАЛАБА-ЁШЛАРДА ЎЗБЕКОНА МИЛЛИЙ ЎЗИГА ХОСЛИКНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА ..... 264-270

*Samadova Sarvinoz Samad qizi*  
YOSHLARNI BAG'RIKENGLIK RUHIDA TARBIYALASHGA DOIR KOMPETENSIYALAR.... 271-275

*Жўраев Воҳид Тожимаматович*  
РАҚАМЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ТАЪЛИМ  
МУАССАСАСИНИ БОШҚАРИШ ..... 276-288

*Бозорова Назоқат*  
ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИГА ОИД МАҲАЛЛИЙ МУЗЕЙ МАТЕРИАЛЛАРИ  
ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ТАРБИЯВИЙ-ТАДҚИҚОТ ФАОЛИЯТИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВОСИТАСИ  
СИФАТИДА ..... 289-295

*Satvoldiyev Faxriddin Akbarali o'g'li*  
МАКТАВ О'QUVCHILARINI HUQUQIY TAFAKKURINI SHAKLLANTIRISH TEKNOLOGIYALARI  
BORASIDA EKSPERIMENT ISHLARINI TASHKIL ETISH VA NATIJALAR TAHLILI ..... 296-301

*Sharipova Sitara Xaydarovna*  
OLIV TA'LIM MUASSASALARIDA RUS TILI FANINI O'QITISHDA MUAMMOLI TA'LIMDAN  
FOYDALANISH ..... 302-307

*Isag'aliyeva Sadafxon Muxammadaminovna*  
BIOLOGIYA O'QITISH SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA INTERFAOL USULLARNI  
QO'LLASH ..... 308-312

---

<i>Umarov Abdusamat Abdumalikovich, Xojimurodova Mahliyoхon Kenjavoy qizi</i> OILA VA NIKOH SHAROITIDA AYOLLAR SPORTINING MUAMMOLARI .....	313-317
<i>Sulaymanova Dildora Nazarovna</i> LOYIHAGA ASOSLANGAN O'QITISH TEXNOLOGIYASINING MOHIYATI VA MAZMUNI...318-325	
<i>Ro'ziev Rustam Ro'zimurodovich</i> YONG'IN XAVFSIZLIGI MADANIYATI–ODDIYLIKDAN KOMILLIK SARI .....	326-330
<i>Акрамов Баходир</i> МАЛАКАЛИ ДАРВОЗАБОНЛАРНИ ЎЙИН ДАВОМИДА БАЖАРИЛАДИГАН ТЕХНИК- ТАКТИК ҲАРАКАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ .....	331-336
<i>Anvarjonov Ahrorjon Ahadjon o'g'li</i> BO'LAJAK TARIXCHILARDA TARIX FALSAFASI VA UNING ZAMONAVIY KONSEPSIYALARIGA DOIR BILIMLARNI RIVOJLANTIRISH METODIKASI .....	337-342
<i>Umarov Bekzod Azizovich</i> RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA PEDAGOGLARNING PROFESSIONAL KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK MODELI .....	343-349
<i>Бекимбетова Дильфуза Оралбаевна</i> РАЗВИТИЕ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА И ГОСУДАРСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ .....	350-356



07.00.00-Тарих фанлари

**Аминов Хамидулла Абдирахимович**  
ЎЗР ФА ШИ докторанти, тарих фанлари  
номзоди, катта илмий ходим  
эл. почта: [hberuniy@mail.ru](mailto:hberuniy@mail.ru)

### **БОБУР ДАВРИДАГИ САМАРҚАНД ШАЙХУЛИСЛОМИ**

**Аннотация.** Мазкур мақола XVI аср Мовароуннахрнинг сиёсий ва илмий жараёнларида фаол иштирок қилган ҳамда тарихда Мавлавий Абулмакорим ва Хожа Абулмакорим номлари билан танилган самарқандлик олимнинг ҳаёти, фаолияти ва илмий ижодига бағишланган. Олим ушбу давр ҳукмдорлари Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Шайбонийхоннинг ўзаро зиддиятларида шайхулислом сифатида муҳим роль ўйнаган. Зотан, у 400 йиллик шайхулисломлар сулоласи вакили ҳисобланади. Мақолада ушбу жараёнлар ва тарихий лавҳалар ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** фикх, фақиҳ, шайхулислом, қўлёзма, тошбосма, автограф, манба, шарҳ, “Мухтасар ал-Викоя”, Самарқанд, Шайбоний.

**Аминов Хамидулла,**  
Кандидат исторических наук, старший  
научный сотрудник института Востоковедения  
АН Республики Узбекистан имени Абу Рейхана Беруни

### **ШЕЙХУЛЬИСЛАМ САМАРҚАНДА ВО ВРЕМЯ ПРАВЛЕНИЯ БАБУРА**

**Аннотация.** Данная статья посвящена жизни, деятельности и научному творчеству самаркандского ученого, известного как Мавлави Абулмакорим и Ходжа Абулмакорим, принимавшего активное участие в политических и научных процессах Мовароуннахра в XVI веке. Ученый сыграл важную роль как шейхульислам в конфликтах между правителями этого периода Захируддином Мухаммадом Бабуром и Шайбаниханом. Ведь он представитель 400-летней династии шейхульисламов. Эти процессы и исторические сцены освещены в статье.

**Ключевые слова:** фикх, факих, шейхульислам, рукопись, литография, автограф, источник, шарх, «Мухтасар ал-Викайя», Самарканд, Шайбани.

**Aminov Hamidulla**  
Candidate of Historical Sciences,  
Senior Research Fellow of the Institute of  
Oriental Studies named after Abu Rayhon Beruni  
of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

### **SHAIKHULISLAM OF SAMARKAND DURING BABUR'S REIGN**

**Abstract.** This article is dedicated to the life, activity and scientific work of the scholar from Samarkand known as Mavlavi Abulmakorim and Khoja Abulmakorim, who took an active part in the political and scientific processes of Movarounnahr in the 16th century. The scientist played an important role as a shaykhulislam in the conflicts between the rulers of this period, Zahiruddin Muhammad Babur and Shaybani Khan. Indeed, he is a

representative of the 400-year-old dynasty of Shaykhulislams. The article highlights the processes, historical events of that time.

**Key words:** fiqh, faqih, shaykhulislam, manuscript, lithograph, autograph, source, sharh, "Mukhtasar al-Viqaya", Samarkand, Shaybani.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3I6Y2023N01>

**Кириш.** XVI аср бошлари Мовароуннаҳр диёрида шайбонийлар ва бобурийларнинг ҳокимият талашуви, шунингдек, Хуросонда сафавийларнинг ҳокимиятга келиши жараёнлари билан характерланади. Мазкур даврда яшаб ижод қилган олимларнинг кўпчилиги борасида, уларнинг илмий фаолияти, илмий мероси тўла ўрганиб чиқилмаган. Мавлавий Низомиддин Хожа Абулмакорим ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ас-Самарқандий ҳам ана шундай олимлардан бўлиб, Самарқандда шайхулислом ва фақиҳлардан бири сифатида кўзга ташланади. XVI аср тарихида “Хожа Абулмакорим” ва “Мавлавий Абулмакорим” номи билан шуҳрат қозонган олимнинг ҳаёти ва ижоди, илмий-ижтимоий ва сиёсий фаолияти фанда деярли ўрганилмаган. “Бобурнома”да унинг фаолияти борасида сўз юритилган бўлиб, мазкур мақолада унинг Заҳириддин Муҳаммад Бобур билан алоқалари ёритилади.

Мавлоно Абулмакоримнинг яққою ягона асари “Шарҳ Мухтасар ал-Виқоя” бўлиб, илмий каталогларда у ҳақида қисқача маълумот берилган [10; 241-б.]. Лекин, унинг қўлёзма нусхалари, асарнинг илмий аҳамияти борасида мукамал бир тадқиқот иши қилинган эмас. Фанда олимнинг илмий биографиясини яратишнинг ва био-библиографик маълумотлар акс эттирилган тадқиқотларга зарурати бор. Мазкур мақола ана шу бўшлиқни бир мунча тўлдириш мақсадида ёзилди.

**Методлар.** Мавлавий Абулмакорим тўғрисида тарихий манбаларда камгина маълумотлар учрайди. Энг аввал унинг автобиографиясини тиклаш лозим. У ҳақидаги тарихий маълумотларни бир жойга йиғиш ва шулар асосида хулосалар чиқариш мумкин бўлади. Масалан, унинг қарийб 400 йиллик шайхулисломлар сулоласи вакили бўлганини Муҳаммад Солиҳ (860-942 ҳ./1455-1535 м.) бундай деб тасвирлайди:

Тўрт юз йил бўлуб эркан айём

Ким, алардурлар шайхулислом [8; 82-б.].

Мазкур тўрт юз йиллик шайхулисломлар сулоласи буюк ҳанафий фақиҳи Бурҳониддин ал-Марғиноний (511-593 ҳ./1118-1197 м.) авлодлари ҳисобланади.

Хожа Абулмакоримнинг отаси Мавлоно Абдуллоҳ Иброҳим Султон (796-838 ҳ./1394-1435 м.) даврида Кешда садрлик ва шайхулисломлик қилган бўлиб, унинг отаси ҳам шайхулисломлик қилган. “Муизз ал-ансоб”да унинг садр эканлиги айтиб ўтилган [6; 168-б.].

1841-42 йилларда Бухорода бўлган рус шарқшуноси Н.Ханыков бу ерда мактаб ва мадрасаларда ўқитиладиган ва таҳсил вақтида талабалар ўзлари мустақил ўқиши керак бўлган 137 та асар номини ёзиб олган. Улардан бири “Мухтасар ал-Виқоя” бўлиб, Бухоро мадрасаларида асосий дарсликлардан экани қайд қилинган. Н.Ханыков келтиришича, мазкур асарни талабалар унинг қўйидаги шарҳлари орқали ўзлаштириши лозим бўлган. Улар “Жомеъ ар-румуз”, Абдулали Биржандий (ваф. 934 ҳ./1528 м.), Абулмакорим, Али ал-қори (ваф. 1014 ҳ./1606 м.) ва Фаҳриддин Бухорий шарҳларидир [13; 216-б.].

Н.Ханыков маълумотидан Абулмакорим ас-Самарқандий шарҳи XIX асрда “Мухасар ал-Виқоя”нинг машҳур шарҳлари қаторида тургани маълум бўлади. Шунингдек, XIX-XX асрлардаги ривоят фатволарида ҳам, фикҳий саволларга муфтийлар томонидан берилган жавоблар – фатволар “Шарҳ Абу-л-Макорим” каби асарлардан иқтибослар олиб берилиши ушбу китобни дин пешволари кенг истеъмол қилганликларидан далолат беради [5; 691-б.].

**Натижалар.** Хожа Абулмакорим XV аср охири – XVI аср бошлари Мовароуннаҳр сиёсий жараёнларида фаол иштирок қилган уламолардан бири ҳисобланади. Тарих саҳнасида Хожа Абулмакоримнинг номи 901 ҳ./1496 м. сана воқеаларида тилга олинган [4; 95-б.]. Бойсунқур Мирзо (1477-1499) ва Султон Али Мирзо (1483-1501) каби теурийзодаларнинг Самарқанд тахти учун курашларида Хожа Абулмакорим Бойсунқур Мирзо томонда бўлган эди [7; 28-б.].

904 ҳ./1499 м. йили Бобур Мирзо Ўратепада пайти Хожа Абулмакорим унинг ҳузурига келади. “Бобурнома”да бу ажойиб тасвирланган, учрашув “Ҳабиб ус-сийар”да ҳам тилга олинган:

“Охир ушбу тараддуд ва тафриқа била Ўратепанинг жануб тарафидаги яйлоқларга бордук. Неча кун у навоҳида ўз ишимизга ҳайрон, борур-тураримизни билмай саргардон ўткарилди. Бир кун ушбу ерда эканда, Хожа Абулмакоримким, бизнингдек жалойи ватан бўлуб саргардон эди, мени кўра келди. Борур-турар еримиздин ва қилур-қилмас ишимиздин истиълом ва истифсор қилиб, мутаассир бўлуб, бизнинг ҳолимизга риққат қилиб, фотиҳа ўқуб борди. Манга ҳам бисёр таъсир қилди, риққат қилдим” [4, 118-119-б.; 14, 262-б.].

Бу пайтда Шайбонийхон (хукмронлик йили 1500-1510) Самарқандни эгаллагани боис унинг шайхулисломи бўлмиш Абулмакорим у ердан чиқиб кетган ва Бобур Мирзо ёнига борган кўринади. 906 ҳ./1501 м. йили эса Бобур Мирзо 19 ёшида яна Самарқандни қўлга киритади. Шу вақтда: “Намози пешиндин сўнг Самарқанд устига илғадук. Хожа Абулмакорим ҳам ҳамроҳ эди” [4, 140-б.; 14, 284-б.]. “Мусаххир ал-билод”га кўра, у ўша куни Бобур Мирзога бориб қўшилган бўлган [9; 75-76-б.].

Шу йили Бобур Мирзо билан Шайбонийхон қўшинлари жанг қилади, Бобур Мирзо Самарқандга Мавлавий Абулмакорим билан бирга чекинади ва “Тонгласи Хожа Абулмакорим ... чарлаб машварат қилиб, сўзни қўрғонни беркитмакка... қўйдик” [4, 146-б.; 14, 290-б.; 9, 80-б.]. 907 ҳ. йилнинг муҳаррам ойида – 1501 йил августида Самарқанд Шайбонийхон тасарруфига ўтади. Мавлавий Абулмакорим Бобур Мирзо ёнида бўлган ва у билан бирга Самарқанддан чиқиб кетган: “Шайхулислом доғи ҳамроҳ анга” [8, 113-б.; 14, 292-б.; 9, 82-б.].

ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида “Муросалот” номи билан сақланаётган мактублар тўпламида Бобурнинг Хожа Абулмакоримга йўллаган мактуби сақланади [3; 199а-б.].

Хожа Абулмакоримнинг авлодлари ҳам эътиборли, ўз даврининг илмли кишилари бўлишган. Таниқли олим Ўктамбек Султонов ёзишича, Хожа Абулмакоримнинг набираси Хожа Бузург ибн Хожа Абдулмалик шайбоний Абдуллатифхон ибн Кўчқинчихон (хукмронлик йиллари 1540-1552) томонидан шайхулислом қилиб таъйинланади [11; 54-б.].

Мавлавий Абулмакоримнинг, ҳозирча маълум, яккаю ягона асари “Мухтасар ал-

Виқоя”га ёзган уч жузъли араб тилидаги шарҳи 907 ҳижрий йилнинг ражаб ойида ёзиб тугалланган [2; 408а-б.]. “Мухтасар ал-Виқоя” Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Мож аш-шариъа ал-Маҳбубий ал-Бухорий (ваф. 747 ҳ./1346 м.) томонидан битилган фийҳий матн китоби ҳисобланади. Асар мухтасар шаклда ёзилган бўлиб, дарслик сифатида мадрасаларда ўқилган. Унга бир қанча шарҳ, ҳошия ва таълиқлар ёзилган. Шулардан бири, “Шарҳ Абулмакорим” номи билан шуҳрат қозонган шарҳ ҳисобланади [15; 117-б.].

**Мунозара-ва муҳокама.** Мавлавий Абулмакоримнинг шахсияти ва унинг вафот санаси тарихий асарлар ва адабиётларда бир мунча баҳсли тасвирланади.

“Бобурнома”да 906 ҳ./1501 м. йил воқеаларида Шайбонийхон Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор (807-894 ҳ./1404-1489 м.)нинг ўғли Хожа Яҳёни икки фарзанди билан ўлдиртиргани ёзилган: “Хожа Яҳёдин чун Шайбонийхон мутаваҳҳим (кўрқар) эди, икки ўғли Хожа Муҳаммад Зикриё ва Хожа Боқи била Хуросон сари рухсат берди. Кейин бир неча ўзбак бориб, ҳазрати Хожани икки йигит ўғли била ...шаҳид қилдилар” [4; 137-б.]. Мазкур ҳодиса “Рашаҳот”да анча батафсил ёзилган [12; 443-б.]. Бу вақтда Мавлавий Абулмакорим Бобур Мирзо билан бирга бўлгани боис шу воқеаларда ҳаётини сақлаб қолади. “Шайбонийнома”да бундай дейилган:

Қолди бир Хожага даври айём,  
Қилиб эрди ани шайхулислом.  
Булмакорим оти-ю атвори,  
Нописандида-ву нохуш бори.  
Хон анго айлади бисёр карам,  
Қилди асҳобиға изҳор карам [8; 53-б.].

Муҳаммад Солиҳ (1455-1535) “Шайбонийнома”да Бобур Мирзога ён босгани боис Мавлавий Абулмакоримга салбий таъриф беради:

Бор эди шаҳр аро шайхулислом,  
Сўзлари борчаси соқолидек хом.  
Булмакорим эди анинг оти,  
Анга бор эрди ямонлиқ зоти.  
Илмдин баҳраси чандон йўқ эди,  
Зотида машраби урфон йўқ эди.  
Атониб эрди бузурги айём,  
Ҳам Самарқанд аро шайхулислом...[8; 77-б.]

Муҳаммад Солиҳнинг бу таърифига қўшилиб бўлмайди, Самарқанддек шаҳри азимга шайхулисломлик қилган, “Мухтасар ал-Виқоя”дек осон лекин қийин (“саҳлу мумтанеъ”) тарзида битилган фикҳий матн китобига шарҳ ёзган одамни: “Илмдин баҳраси чандон йўқ эди”, деб бўлмасди. Хондамир “Ҳабиб ус-сийар” асарида уни “Қудват ал-аъозим” – “Улуғлар пешвоси” ва “Ифтихор ал-ашроф ва-л-аъозим” – “Улуғлар ва шарафли зотларнинг фаҳри” деб сифатлаган [14; 261-262, 279-б.]. Абу Тоҳирхўжа (ваф. 1291 ҳ./1874 м.) “Самария” асарида унинг “Мухтасар ал-виқоя”га шарҳ битганини, Шайбонийхон даврида эса фикҳ илми бўйича биринчи олимларидан эканини ёзади [1; 149-б.].

Хондамир “Ҳабиб ус-сийар”да 906 ҳ./1501 м. йил воқеаларида Хожа Абулмакоримнинг ўлдирилиш қиссасини келтириб ўтган. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қариндошлари Хоникахон ҳам дейилган Султон Маҳмудхон ва Олачахон ҳам

дейилган Султон Аҳмадхон унга Андижонни олиб бериш учун бирлашиб ҳаракат қиладилар, лекин Шайбонийхоннинг қўққисдан ҳужум қилгани боис қўлга тушиб, асир бўлиб қоладилар. Шайбонийхон Тошкентда қолган Хожа Абулмакоримни унга топшириш шарти билан уларни қўйиб юборишга қарор қилади. Тошкентликлар Хожа Абулмакоримни ушлашиб, қамаб қўйганида қочиб кетади. Ўзини танитмаслик мақсадида соқолини олиб ташлайди. Қарилик сабабли узоққа қочиб кета олмай, бировнинг уйида яширинади. Лекин, мезбон хиёнат қилиб, уни тутиб беради. Хуллас, тутилиб, Шайбонийхон олдига келтирилади. Шайбонийхон: “Соқолни нима қилдинг?” дейди. Хожа Абулмакорим унга: “Чароғероки Изид барфурўзад, Ҳар он кас пуф кунад решаш бисўзад” деган байтни ўқийди. Лекин, Шайбонийхоннинг ғазаби бу билан босилмайди, балки уни қатл қилдиради [14; 305-306-б.]. Бу воқеа “Мусаххир ал-билод” да ҳам 906 ҳ./1501 м. эмас, 910 ҳ./1504 м. йил воқеаларида айнан такрорланган [9; 91-б.].

“Бобурнома”да Абулмакорим ас-Самарқандийнинг номи 908 ҳ./1503 м. йил воқеаларида ҳам ҳурмат билан тилга олинган бўлиб, “Хожа Абулмакоримнинг тавассути (воситаси) била бу сўзни ораға солдимким, Шайбоқхондек ғаним пайдо бўлбтур, мунинг зарари туркка ва мўғулға мусови (баробар)дур” [4; 159-б.]. Шу вақтда Хожа Абулмакорим Тошкентда Бобур Мирзонинг улуғ хон додаси, Султон Маҳмуд ҳузурида бўлади. “Бобурнома”да муаллиф улар билан учрашганда, узоқдан Хожа Абулмакорим уни танимай қолганини ёзади ва хон додалари билан бирга Андижонда тўрт ой бирга бўлганини қайд қилади [4; 160, 176-б.]. Хуллас, “Бобурнома”да 908 ҳ./1503 м. йил воқеаларида, янада аниқроғи, 909 ҳ. аввалидаги воқеаларда (бу 1503 м. йилнинг куз ойларига тўғри келади) Шайбонийхоннинг Андижонни эгаллаганини эшитилгани зикр қилинган.

Абу Тоҳирхўжа “Самария” китобида Мавлавий Абулмакоримнинг ўлдирилишига бошқа сабаб кўрсатилган. Китобда ёзилишича, “Шайбонийхон у кишидан бир қийин масала тўғрисида фатво сўраганда, у жавоб ёзмади. Шунинг учун, Шайбонийхон тажрибасизликдан (ғазабланган шоҳ) буюриб, у кишини арра билан шаҳид этдирди. Дерларким, ўзи ҳам бир неча кундан кейин (гўё унинг хуни тутиб), Марвда шоҳ Исмоил Сафавий билан бўлган урушда қилич дами билан боши кесилиб, шаҳид бўлди” [1; 149-б.]. Шайбонийхон 916 ҳ./1510 м. йили Эрон шоҳи Исмоил (1502-1524) билан олиб борган жангда ҳалок бўлади. Шундан келиб чиқса, Мавлавий Абулмакоримнинг вафот санасини 916 ҳ./1510 м. йил деб белгилаш керак бўлади. Бироқ, тарихий асарларда 909 ҳ./1503 м. йилдан кейин Хожа Абулмакоримнинг номи учрамайди.

Мавлавий Абулмакоримнинг қабрини “Самария” китобида Тиллақори мадрасасининг кунботар томонида, 200 қадам чамасида эканлиги қайд қилинган [1; 149-б.].

**Хулоса.** Мавлавий Абулмакорим XVI аср биринчи ярмида сиёсий ҳаётда муҳим роль ўйнаган шайхулисломлардан ҳисобланади. У Муҳаммад Заҳириддин Бобур ва Шайбонийхон орасидаги муносабат тарихида муҳим роль ўйнаган шахслардан бири ҳисобланади. Унинг номи ва шахсияти “Бобурнома”да ҳам ҳурмат билан тилга олинган. У 400 йиллик шайхулисломлар авлоди сифатида ҳам илмий фаолиятда кейинги асрларда ҳам фикҳ илмида аҳамият касб этган асар муаллифидир. XIV-XX аср бошларида Мовароуннаҳр мадрасаларида фикҳ – ислом қонуншунослиги фанидан асосий дарслик сифатида қўлланма бўлиб келган “Мухтасар ал-Виқоя” асарига араб тилида шарҳ ёзган

бўлиб, у айнан XIX асрда фикҳ фанидан қўшимча адабиёт бўлиб ҳисобланган.

Умуман олганда, Мавлавий Абулмакоримнинг ҳаёти ва ижоди, унинг ёзган асари тўлиқ тадқиқ қилиниши керак.

### Адабиётлар/Литература/References:

1. Абу Тохирхўжа Самарқандий. Самария (Самарқанд мазорлари зикри). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009.
2. Абулмакорим Самарқандий. Шарҳ Мухтасар ал-Виқоя. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 2388.
3. Аноним. Муросалот. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди., № 286/IV.
4. Заҳриддин Муҳаммад Бобир. Бобирнома / Нашрга тайёрловчилар: П.Шамсиев, С.Мирзаев. – Тошкент: ЎзССР Фанлар академияси нашриёти, 1960.
5. Каталог Хивинских казийских документов. XIX – начало XX вв. // Составители: А.Урунбаев, Т.Харикова, Т.Файзиев, Г.Джураева, К.Исогай. – Ташкент-Киото, 2001.
6. Муизз ал-ансоби. История Казахстана в персидских источниках. Том III / Перевод: Ш.Х.Вохидов. – Алматы: Дайк-Пресс, 2006.
7. Муқимов З. Шайбонийлар давлати ва ҳуқуқи (тўлдирилган қайта нашр). – Тошкент: Адолат, 2007.
8. Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома / Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Э.Шодиев. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1989.
9. Муҳаммадёр ибн Амир Қатаған. Мусаххир ал-билод. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009.
10. Собрание Восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР (СВР). Том IV. – № 3130. – Ташкент: Издательство Академии наук Узбекской ССР, 1957.
11. Султонов Ў. Бурҳониддин Марғиноний насаби ва авлодлари тақдири // Имом Бухорий сабоқлари. № 2. – Самарқанд, 2021.
12. Фахриддин Али Сафий. Рашаҳот. – Тошкент: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2003.
13. Ханьков Н. Описание Бухарского ханства. – Санкт-Петербург: Типографии Императорской Академии наук 1843.
14. Хондамир. Ҳабиб ус-сийар. 4-жуз. – Техрон: Китобхонаи Хайём, 1965.
15. Sezayi Bekdemir. Orta Asya'da Hanefiligin Gelişimi: Sadrüşşeria Ubeydullah b. Mes'ud. – İstanbul: Hikmetevi yayınları, 2017.

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 6 (3) – 2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).